

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 36 (10.089)

2004 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

**Қисқа
сатрларда**

● **ФАФУР** Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Маънавият гулшани» деб номланди.

● **БУГУН** Акмал Икромов туманидаги 81-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар ҳамда Акмал Икромов туман бўлимлари ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман «Меҳр қолур» деб номланди.

● **БУГУН** Ўқувчилар механик ижодиёт маркази, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ҳамкорликларида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси ташаббуси билан ёшлар иштирокида «Фуқаролик жамиятини қуришда ёшларнинг ўрни» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● **БАДИЙ** академиясининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилган «Ҳиндистон-Ўзбекистон-Россия» расмлари нигоҳида» деб номланган кўргазмада 20 дан ортиқ расмларнинг 100 дан ошқ асарлари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Шаҳримизда «Уста ва шогирд» йўналиши бўйича миллий хунармандчилигимиз сирларини пухта эгаллаган усталарни тарбиялаш яхши анъана тусига кирган.

СУРАТДА: ўста Анвар Азларов ўзининг зеҳли, гайратли ёш шогирди Жамол Азларовнинг янги маҳсулотини кўздан кечириб, тегишли кўрсатмалар бермоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда хўжалик судларининг 2003 йилдаги фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов бошқарган тадбирда мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламадаги ислохотлар самараси ўлароқ, иқтисодий-тизим изчил ривож топаётгани таъкидланди. Хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, улар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Яқунланган йилда хўжалик судларида 55 мингдан ортиқ низо ҳал этилиб, даъвогарлар фойдасига 600 миллиард сўм ҳамда 16,3 миллион АҚШ доллари ундириб берилди.

Шундан салкам тўққиз минг тадбиркор, деҳқон ва фермерлар манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ суд жараёнлари ташкил этди. Ушбу субъектлар фаолиятига асосси аралашиб, уларнинг ривожига тўқсинлик қилаётган назорат ва бошқарув идораларининг қонунга зид 282 ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топилди.

Пленумда бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этаётган банкротлик институти билан боғлиқ жараёнлар чуқур таҳлил этилди. Суд санкцияси, ташқи бошқарув, қузатув ва келишув битимларидан ўз ўрнида фойдаланилгани боис банкрот, деб эътироф этилаётган корхоналар сони қисқармоқда. 2002 йилда 1250

корхона банкротликка юз тутган бўлса, ўтган йили бу рақам 419 тага камайдди.

Пленумда шартнома интизомини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлар дуч келаётган бюрократлик ва таъмагирилик ҳолатларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалиётни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мустафоев, Бош прокурори Р.Қодиров, Олий суди раиси Ф.Муҳитдинова иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида адлия идоралари олдида қўйилган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Адлия вазири А.Полвонзода бошқарган йиғилишда яқунланган йилда адлия идоралари томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш бўйича самарали ва таъсирчан тадбирлар амалга оши-

рилгани таъкидланди. Бунда асосий эътибор тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг ҳуқуқини поймол қилаётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласига қаратилди.

Ҳуқуқий ҳимоя тизимининг такомиллашиб бораётгани туфайли тадбиркорларнинг адлия идораларига мурожаатлари сони кескин ошди. Адлия органларини ташаббуси билан тадбиркорларнинг, жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатини қўлаб сулларга 65,6 миллиард сўмлик ҳамда 939 минг АҚШ доллари миқдоридан 14 мингга яқин даъво аризаси киритилди. 400 миллион сўмга яқин етказилган моддий ва маънавий зарар бевосита айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундирилди.

Давоми 2-бетда.

XXI сағоси
Барча малбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоятларда «Маънавият кунлари»ни ўтказмоқда. Шу йўналишдаги тадбир Наманган вилоятида бўлиб ўтди.

● Германиянинг «PFAFF SINGER» савдо уйи Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда «PFAFF SINGER — Ўзбекистоннинг энг ёш иқтидор эгалари» танловини эълон қилди. У «PFAFF SINGER» концерни қурilmалари билан жиҳозланган 75 касб-хунар коллежи ва академик лицейи ўқувчилари ўртасида ўтказилмоқда.

● Қашқадарё вилоятида Наврўз байрами олдида кўча ва хиёбонларда хашар ўтказилди. Фақат Қарши шаҳрининг ўзида 300 минг тулдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Хашардан тушган маблаг кам таъминланган оилалар, меҳр-мурувватга муҳтож инсонларга топширилади.

● Мўйноқ туманида NEC Corporation (Япония) ва Uzimpexaloka (Ўзбекистон) компаниялари ўртасида битим доирасида амалга оширилаётган теле-радиокоммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаси иш бошлади.

● Урганч шаҳрида хормизлик ва қорақалпоғистонлик фермерлар учун «Германия агроқияси» лойиҳаси бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди. Тадбирда германиялик мутахассислар фермерларга уруғли картошка етиштириш юзасидан шартномалар тузиш шартлари ҳақида маслаҳатлар беришди.

● «Ўзқишлоқхўжалиқмашизинг» компаниясининг Бухоро вилояти бўлими ширкат ва фермер хўжаликларига лизинг асосида 30 та «ТТЗ-80-11» трактори етказиб берди.

Жаҳонда


● Тожикистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасида гиёванд моддаларга қарши курашда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини кучайтиришга йўналтирилган 3 та лойиҳани амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди.

● Аджария Мухтор Республикаси пойтахти Батуми шаҳрида оммавий тартибсизликлар бўлиб ўтди.

● Катар Ички ишлар вазирлиги Зелмихон Яндарбиев ўлимида гумон қилинаётган 2 кишининг қўлга олинганлиги тўғрисидаги маълумотни расман тасдиқлади.

● Австралиянинг шарқий қирғоқларида иссиқ қутулмаган даража 41°C етди. Канадада эса аксинча: кучли қор бўронлари натижасида Галифакс шаҳрида комендантлик соати жорий этилди.

● Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида жаҳонга машҳур анъанавий карнавал бошланди. Бу йил карнавал томошаларида штирок этиш учун хорж давлатларидан 100 мингга яқин сайёҳлар таширф буорди. Карнавал Рио кўчаларида бир ҳафтагача давом этади.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

Украинанинг собиқ бош вазири Павел Лазаренко Америка қонунлариға биноан 370 йиллик қамоқ жазоси кутмоқда. Павел Лазаренко АҚШ банкларидан қаллоблик йўли билан 200 миллион долларни ўзлаштириб олганликда айбланмоқда. Собиқ бош вазири устидан олиб берилган жиноий иш 5 йил давом этди. Мана шу вақт мобайнида у қаттиқ назорат остидаги изоляторда сақланиб келинди. Утган йили Павел Лазаренко 90 миллион доллар пул эвазига озод этилди. Айни дамда унинг устидан суд бошлангунига қадар Калифорниядаги вилласида Федерал қидирув бюроси назоратида уй қамоқ жазосини ўтамоқда.

Буюк Британия ташқи ишлар вазириги Саудия Арабистонида террорчилар томонидан тракт уюштирилиши мумкинлигини баён этди. Шу муносабат билан Саудия Арабистонига борувчи Англия фуқаролари сафари вақтинча тўхтатиб қўйилди. British Airways авиакомпаниясининг Ар-Риётда учувчи рейслари ҳам бекор қилинган. Англия ташқи ишлар вазириги Саудия Арабистонининг ички хавфсизлик вазириги тарқатган маълумотга асосан шундай қарорга келган.

Трансваал паркда юз берган бахтсиз воқеа сабабли ота-онасидан айрилган болалар эндиликда Москва маъмурияти ҳисобидан ойига 1,5 минг рубдан ёрдам пули олади. «Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, тўлов болалар 18 ёшга етгунча амалга оширилади. Кундузги ўқув юртларида ўқийдиганлар эса 23 ёшгача пул билан таъминланадилар.

АҚШ ҳуқуқати томонидан ташкил этилган «Ал-Хура» телевидениеси иш бошлади. У Яқин Шарқдаги бир қатор давлатларга араб тилида мунтазам телекўрсатувлар олиб боради.

Ирландия оммавий жойларда сигарет чекишни таъқиқлаган биринчи давлат бўлди. Янги қонунга кўра, ошоналарда, ресторон ва турли кўнгилочар жойларда кимки тамаки маҳсулотидан истеъмол қилса, уч минг евро жарима тўлайди. Қонун шу йилнинг 29 мартдан кучга киради. Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Майкл Мартин матбуот анжуманида журналистларга маълум қилди.

Тожикистоннинг шимолида фаолияти таъқиқланган «Ҳизб-таҳрир» диний-экстремистик ташкилотига алоқадорликда гумон қилинган 20та одам қўлга олинди. Тожикистон ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари бу ҳақда маълум қилди. Суд вилоти бош прокурори Тожиддин Тўраевнинг сўзларига қараганда, ташкилот аъзолари чойхонада йирилганларида қўлга олиш операцияси амалга оширилган.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Кўплаб ҳўжалик ва ички ҳўжалик шартномалари ўрганилиб, адлия идораларининг талабига кўра 47 мингдан ортиқ шартнома қайта туздирилди. Шу билан бирга, барча турдаги ҳўжалик шартномаларининг намуналари ишлаб чиқилиб, жойларга қўлланма тариқасида етказилди.

Адлия идоралари фаолиятининг асосий йўналиши бозор ислохотларини, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга йўналтирилган қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган. Адлия вазириги томонидан уларнинг ижроси бевосита жойларга чиқиб ўрганилмоқда. 2003 йилда республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилган ушбу ўрга-

нишлар давомида тadbиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ кўплаб қонунбузилишлар аниқланди. Ўрганиш натижаси бўйича мавжуд вазият чуқур таҳлил этилган ҳолда вилоят ҳокимларига тақдимномалар киритилди.

Ҳайъат мажлисида, адлия идоралари томонидан эришилган натижалар билан биргаликда, айрим соҳаларда ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги, жумладан, жойлардаги айрим адлия идоралари масъул ходимлари томонидан тadbиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатъиятсизликка йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди.

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналаридаги шартнома муносабатларини тартибга солишга, ушбу соҳада

шартнома интизомини мустаҳкамлашга, шартномалар бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга асосий эътибор қаратилди.

Йиғилишда фермер ҳўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг, айниқса фермерларга минерал ўғитлар ва ёнилги-мойлаш материаллари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини алоҳида назоратга олиш ва айбдор шахсларга нисбатан энг қатъий чораларни кўриш талаб қилинди.

Тadbиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни доимий равишда аниқлаб бориш, муттасил равишда қонунларни бузаётганларга нисбатан муросасиз бўлиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда адлия идоралари олдига турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

«COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Ўзбекистон халқаро телекоммуникация ҳудудига интеграцияси йўлида яна бир муҳим қадам ташлади. Тошкентда «Motorola» компаниясидан сотиб олинган 60 дан ортиқ «Horizon 2» янги авлод базавий қабул қилиш ва узатиш станцияларини фойдаланишга топшириш ишлари якунига етмоқда.

«COSCOM» янги технологиялардан фойдаланмоқда

«COSCOM» МДХ мамлакатларида биринчи бўлиб GSM мобил алоқасининг Европа стандартларига мослаштирилган бундай тоифадаги ускуналардан фойдаланмоқда. Бу стандартнинг муҳим афзаллиги - халқаро автоматик роуминг хизматларини кўрсатишидир.

«COSCOM» қўшма корхонаси Ўзбекистонда биринчи бўлиб Жаҳон GSM уюшмасига қўшилди. Дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларидаги операторларнинг роуминг-ҳамкорлари ҳисобланади. «Horizon 2» юқори технологик ускуналар қаторига киради ва жаҳон бозорига бу тоифадаги энг кучли, энг илғор стандартларда ишлаб оладиган ва айни пайтда ичмам станция саналади. Унинг сезгириги жуда юқори ва бу алоқа сифатини анча яхшилаш имконини беради.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан «COSCOM» қўшма корхонаси бош директори Алексей Степанов янги базавий станцияларнинг фойдаланишга топширилиши «COSCOM» тармоғининг ҳажмини кескин оширгани ва қоплаш ҳудудини кенгайтирганини таъкидлади.

Келгусида бу ускуналар асосий қурилмаларни алмаштиришдан юқори тезликда маълумотлар узатишнинг мультимедия технологиялари асосида ишлайдиган стандартларини жорий этиш имкониятини яратди.

Шу боис компания бундай қиммат ускуналарни сотиб олишни узоқ муддатга сармома ётқизиш деб ҳисоблайди. Уяли алоқа операторлари ўртасида рақобатнинг кескинлашиши ва компания миқозларга кўрсатаётган хизматлар қўламини кенгайтиришга интилиш техникавий базани мунтазам янгиллаб бориш заруратини юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда «COSCOM» қарийб 56 минг миқозга хизмат кўрсатмоқда. Янги станциялар уларнинг сонини анча кўпайтириши, компания хизматларидан фойдаланиш ҳақини камайитириш имконини бермоқда. Умуман олганда, утган йилнинг бошидан бери компания ускуналарни янгиллашга 10 миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфлади.

«COSCOM» компанияси билан етти йиллик ҳамкорлик тажрибаси Ўзбекистон бозорига халқаро бизнесни ривожлантириш истиқболларидан дарак беради, - деди «Motorola» компаниясининг Шарқий Европа ва МДХ бўйича бош менежери Боб Дауэл. - Бу ерда хорижлик ҳамкорлар учун қулай шaroит яратилган. Мен «COSCOM» билан ҳамкорлигимиз сизнинг гўзал ва меҳмондўст мамлакатингиз, халқингизнинг қадим тарихи ва анъаналари билан танишиш имконини берганидан хурсандман. Келгусида Ўзбекистондаги алоқаралиқ кенгайтиришни режалаштиришимиз.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА

Маҳалла

ЯКУНЛАР ЧИҚАРИЛИБ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Обод маҳалла йили давомида амалга оширилган ишлар юзасидан Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси томонидан Обод маҳалла йилида бажарилган ишлар тўғрисида жамғарма раиси Рихситилла Ақромов батафсил ҳисоб берди. Сўнг шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, унинг туман бўлимларининг молиявий сарф-харажатлар бўйича тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботи тингланди.

Хисоботлар бўйича муҳокамаларда республика «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЕИХ каби қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этдилар.

Сўнг йиғилиш кун тартибига кўра ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг раёсати ва кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш, тафтиш комиссияси таркибини янгиллаш, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси қошида фаолият олиб бораётган «Қалб эътиқоди» давраси вакиллари таркибини сайлаш ва тасдиқлаш, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан шаҳар «Маҳалла» жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган ҳудудий дастур ва иш режасини тасдиқлаб бериш каби масалалар муҳокама этилди.

Барча билдирилган фикр-мулоҳазалар, тавсиялар, таклифларни инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг қарори қабул қилинди. Қарорда қуйидагиларнинг инобатга олиниши кўрсатилиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги 40-сонли, шаҳар ҳокимининг 2004 йил 10 февралдаги 101-сонли «Меҳр ва мурувват йили» Дастури тўғрисидаги қарорларини ижро учун қабул қилиш, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг ҳудудий дастурини иловага мувофиқ тасдиқлаш шулар жумласидандир.

Ҳудудий дастурда амалга оширилиши кўрсатилган муҳим ишлар қаторига қуйидагилар киради.

Обод маҳалла йилида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, тadbиркорликни, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига амалий ёрдам кўрсатиш, болалар спортини ривожлантириш бўйича шаҳар, туман «Маҳалла» жамғармалари, маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан олиб борил-

ган фаолият ўз ижобий самарасини берганлиги сабабли келгусида ушбу ишларни доимий равишда давом эттирилишини инобатга олиш.

Маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан корхоналар, ташкилотлар, тadbиркорларни ҳамкорликка жалб этган ҳолда, ҳомийлар маблағлари, ёрдамларидан шахримиз маҳаллаларидаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва етим-есирларни имкон қадар моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш.

Шаҳримиз маҳаллаларида истиқомат қилаётган оилалар, хусусан ёш оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиб, муаммоларини ҳал этиш борасида туман «Маҳалла» жамғармалари, маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан амалий ёрдамларни кўрсатиш.

Маҳаллалардаги бўш юрган фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, бандлик хизматлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш орқали кўшимча иш ўринларини яратиш.

Маҳаллаларда ёшларни спортга жалб этиш, унинг турларини оммавийлаштириш борасида олиб борилаётган самарали фаолиятни давом эттириш мақсадида маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан жойларда ушбу йўналишга масъул ташкилотларни жалб этган ҳолда ишларни ташкил этиш.

2004-«Меҳр ва мурувват йили» дастурининг ижроси юзасидан шаҳар, туман «Маҳалла» жамғармалари ўз ҳудудий дастурларини, маҳалла фуқаролари йиғинлари ўз иш режаларини мукамал равишда ишлаб чиқиш.

Уйлаймизки, Ватан ичра кичик бир ватан бўлиши маҳаллаларимизда Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилиши мўлжалланган ушбу белгиланган вазифа ва юмушлар ҳам кўнгилдагидек адо этилади.

(Ўз муҳбиримиз)

Санаат**«СПЕКТАКЛЬ-КОНЦЕРТ» ТОМОШАСИ**

Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрида «Спектакль-концерт» дастури асосида томошалар кўрсатиш яхши ижодий аънамага айлиниб қолди. Театрнинг етакчи режиссёри Андрей Слоним бошчилигида саҳналаштирилган мусиқали дастур ҳам томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди.

Машҳур немис композиторлари Рихард Вагнер ва Рихард Штраус ижодига бағишланган ташкил этилган бу «Спектакль-концерт» ўзбек актёрлари учун ҳам ижодий синов бўлди. Кўркмас Муҳиддинов, Гулшан Азизова, Дилором Ёкубова ва бошқа санъаткорлар ижро этган кўшиқ ва ариялар томошанинг муваффақиятли чиқишини таъминлади.

Театр бошқа мумтоз композиторлар ижодига бағишланган «Спектакль-концерт» ларни ташкил этишни ҳам режалаштирди.

БОЛАЛАР МУСИҚА МАКТАБИ 40 ЁШДА

Республикамиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган 10-сонли болалар мусиқа мактаби ўзининг 40 йиллик санасини нишонлади.

Оддий мусиқа тўрагаги негизда ташкил топган мазкур санъат даргоҳида ҳозир бир неча ижодий гуруҳлар ишлаб турибди. Болалар рақс ансамбли, болалар хор жамоаси ижросида намойиш қилинаётган концертлар ҳам тингловчиларга манзур бўлмоқда.

Ёш гижжакчилар ансамблининг чиқишлари ҳам яхши кутиб олинмоқда. Ўтган йилги «Санъат гунчалари» танловида бу ёш созандалар голибликни қўлга киритдилар.

Мусиқа мактаби ўзининг 40 йиллик санасига бағишлаб катта концерт дастурини ҳозирлади.

ЗАМОНАГА ҲАМОҲАНГ АСАР

Атоқли бастакор Рустам Абдуллаев ижодида йирик мусиқа асарлари катта ўрин тутади. Унинг драматурги Улмас Умарбеков асарига ёзган балет ораторияси Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театрида саҳна юзини кўрди.

Шундан сўнг «Шодимулк», «Садоқат», «Хиванинг ордени» каби опералари юзага келди.

Бастакор яқинда ўзининг навбатдаги камер операсини ёзиб тугатди. «Кимлар зор, кимга хор» деб номланган мазкур асар замонавий мусиқа жанрида яратилган мусиқа полотноларидан биридир.

Ақбар АЛИЕВ

КИЧИК МИҚЁСЛИ ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАЛАР

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Япония элчихонасининг беғараз молиявий ҳамкорлик доирасида Япония ҳукумати томонидан кичик миқёсلى ижтимоий лойиҳаларга ажратилаётган 193 минг 128 АҚШ доллари миқдоридаги грант-шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистондаги кичик миқёсلى ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорлик 1995 йилда бошланган, деди тадбирда сўзга чиққан Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Акио Кавото. — Ҳозиргача бу мақсадда ажратилган грант маблағларининг жами миқдори 8,5 миллион АҚШ долларига етди. Япония ҳукумати асосан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фуқароларнинг фаровонлиги каби соҳаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

1995 йилдан — 1999 йилгача кўпроқ соғлиқни сақлаш тизимидаги лойиҳалар қўллаб-қувватланган бўлса, 2000 йил-

дан бошлаб аёлларни ўқитиш, улар учун иш ўринларини яратиш ҳамда мактабларни турли жиҳозлар билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳалар қўшилди. Бу Япония ҳукуматининг ёшларни маънавий жиҳатдан янада камол топишида алоҳида эътибор қаратаётганлигидан далolat беради.

Элчининг таъкидлашича Япония дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам шундай ёрдамлар кўрсатмоқда. Кўрсатилаётган кўмакларнинг 32,2 фоизи Осиёга, 22,8 фоизи Латин Америкасига, 21,8 фоизи Африкага, 9,7 фоизи яқин Шарқ мамлакатларига, 7,7 фоизи Океания давлатларига ҳамда 4,7 фоизи Европа минтақа-

сига тўғри келмоқда.

Навбатдаги грант шартномалари Наманган вилоятидаги мактаблар ва ёшлар маркази билан имзоланди. Жумладан «Наманган вилояти Янгикўрғон туманидаги 36-ўрта мактабни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ва янги ҳожатхона қуриш» лойиҳаси бўйича 59,98 минг АҚШ доллари, «Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 16-ўрта мактабни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ва янги ҳожатхона қуриш» лойиҳаси бўйича 57,903 минг АҚШ доллари, «Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 26-болалар ўйини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда янги ҳожатхона, ювенил хонаси ва кир ювиш хоналари қуриш» лойиҳаси бўйича 41,676 минг АҚШ доллари, шунингдек «Янгикўрғон туман «Лола» хотин-қизлар ва ёшлар марказининг шароитларини яхшилаш» лойиҳаси бўйича 24,451 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантлар ажратилди.

Алоудин ГАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Юртимизда кейинги йилларда маиший хизмат соҳасида ҳам самарали иш-хотлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳа ходимларининг фаолиятлари аҳолига кенг қўламда сифатли, тезкор хизмат кўрсатишга қаратилган. Жумладан, «МЕФА» очик турдаги акционерлик жамияти шу ойдан бошлаб хизматлар учун 40 фоизли чегирма белгилади.

Маиший хизмат**ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎМАГИДА**

Жамият иш юристаётганига бир йил тўлиши муносабати билан ушбу хайрли ишга қўл урилди. Корхонада миҳозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида Италия, Германия, АҚШ ва Туркия давлатларидан 2002-2003 йилларда жаҳонга машҳур фирмалар томонидан яратилган энг замонавий машина ҳамда технологик линиялар келтирилиб ўрнатилган.

— Жамиятимиз аъзоларининг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди корхона директори Фаррух Орипов. — Ҳамма ходимлар бир хилдаги махсус кийимлар билан таъминланган. Улардан доимо ўзаро хушмуомалалик ҳамда миҳозларга алоҳида эътибор талаб қилинади.


Ҳозирги кунда жамоада 10 нафар ишчи-хизматчилар аҳолига малакали хизмат кўрсатишга интилмоқда. Жумладан, 2 нафар хорижлик юқори тоифали техник мутахассислар корхонадаги машина ва техникага хизмат кўрсатиш ҳамда маҳаллий кадрларни уларни бошқаришга ўргатмоқда.

Корхонадаги технологик линия шарофати билан миҳозларнинг буюртмалари 1 суткада эгаларига топширишга тахт қилинади. Кийимлар кимёвий элементларга тўйинтирилган маиший воситаларда эмас, саноят кукунлари —

«Henhel» фирмасининг юсак самарали, сифатли, инсонларда ҳеч қандай нохуш ҳолатлар туғдирмайдиган кир ювиш воситаларида тозаланади, чайилади, қуритилиб дазмолланади. Шундан сўнг ўралади-да, буюртмачига топширилади. Бу ишларнинг барчасини «акли» машиналар мукамал бажаради. Уларни эса жамоанинг ишчилари бошқаради, назорат қилишади.

Мазкур корхонада мўйна-телпақ, шляпа, шол рўмонлари каби бош кийимлар ҳам кимёвий тозаланади ҳамда уларга аввалги кўркамлик, жозоба бахш этилади.

Корхонанинг қўллаб доимий буюртмачилари мавжуд бўлиб, мухташам «Гранд мир», «Дедеман» ҳамда «Пойтахт» меҳмонхоналари, «Малика» тиббиёт соғломлаштириш маркази каби бир қатор ташкилотлар шулар жумласидандир.



Эътиборли томони шундаки, жамият раҳбарияти томонидан доимий миҳозларга 10 фоизли, ногирон ҳамда нафақахўрларга 30 фоизли чегирмалар қўлланилади. Асосийси эса корхона ходимлари миҳозларга сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, муомала маданиятига катта эътибор қаратмоқдалар.

Жорий йилда жамоа тадбиркорлари пойтахтимизнинг аҳоли зич жойлашган манзилларида корхонанинг қабул пунктларини очишни мақсад қилиб қўйганлар. Албатта, буюртмалар кўпайиши иш ҳажми ошиши, ўз навбатида янги иш жойлари яратилишига имкон туғдиради.

«Ҳаракатда-баракат» деб ҳалқимиз бежиз айтмагандай, жамоа аҳли пойтахтликларнинг оғирини энгил қилиш, уларга кўнғилдагидек хизмат кўрсатиш йўлида барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Жамият аъзолари ўз соҳаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишларига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: «МЕФА» очик акционерлик жамияти директори Фаррух Орипов машиналар иш жараёнини назорат қилмоқда; баъзи бир ҳолларда миҳозларнинг буюмлари қўлда дазмолланади.

Алексей Попов
олган суратлар.**Кўрғазмалар****ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ**

«Ўзэкспомарказ» савдо-кўрғазмалар маркази мамлакатимизнинг бош кўрғазмаси сифатида кўпчилик эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Унинг марказий павильони ҳам томошабинлар билан гавжум бўлаёттир.

Икки минг квадрат метр майдонни эгаллаган ушбу павильон туб таъмирдан чиққач, экспонатларни намойиш қилиш учун қулайликлар юзага келди. Ҳозир бу ерда «Ўзбекистон Республикасининг экспорт ва инвестицион салоҳияти» деб номланган катта кўрғазма намойиш қилинмоқда.

Унинг экспозициясидан 200 дан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг маҳсулотлари ўрин олди. Кўшма корхоналар тақдим этган экспонатлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

«Ўзқишлоқмаш-холдинг» компанияси, «Ўзавтосаноат» ассоциацияси, «Аква-тех» фирмаси маҳсулотлари учун ҳам кўрғазмадан алоҳида бўлимлар ажратилди. Фермер ҳўжаликлари фаолиятларини акс эттирувчи экспонатлар рангбаранглиги билан ажралиб турибди.

Янги экспозиция негизда ўтказилган семинар-мунозара йиғилишида республикамизнинг экспорт ва инвестицион нуфузи ҳақида яхши фикрлар билдирилди.

(Ўз мухбиримиз)

Касб-хунар коллежларида

СИФАТ—САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежи жамоаси ўз олдига мамлакатимиз ҳамда пойтахтимиз қурилишларига моҳир гишт терувчилар, монтажчилар, коммунал хўжалиги учун сув, газ ва иссиқлик таъминоти жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича малакали мутахассислар тайёрлашни асосий вазифа қилиб қўйган. Мустақил юртимизда барча соҳаларда ислохотлар давом этаётган бир пайтда ана шундай кадрларни етиштириш муҳим аҳамият касб этади. Утган 4 йил мобайнида касб-хунар коллежи фаолияти, айни кунларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, бунёдкор мутахассисларни тайёрлашга қаратилаётган муҳим эътибор хусусида коллеж директори Жозил ТОҲИРОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Республикаимиз таълим тизими, айниқса ўрта-максус хунар таълими соҳасида катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қайд этилганидек, эндиликда катта маблағ ва меҳнат ҳисобига бунёд этилган коллежларимизда таълим жараёни сифатига жиддий эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу малакали касб-хунар эгаларини етиштириб боришда катта аҳамиятга эгадир.



Шу ўринда таълим сифати нимага босқич бўлиши? деган ўрини савол тўғрисида. Ушбу саволга жавоб тариқасида дунё таърибидан келиб чиққан ҳолда мақсадли тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш мумкин бўлиб, асосий масала эса ушбу тадбирларнинг амалга оширилишидир. Коллежимизда ҳам сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида босқичма-босқич режалар амалга оширилмоқда. Бу борада жамоамизда асосий вазифамизни адо этиш йўлида меҳнат қилаётган 70 дан зиёд малакали педагогларимизнинг ҳиссалари салмоқлидир. Улар орасида 1 та фан доктори, 5 нафар фан номзоди, 14 нафар олий тонали ўқувувчилар ёш йигит-қизларга билим бериш, касб сир-асорларини ўргатиш билан бирга изланишларини ҳам давом эттиришмоқда. Утган давр мобайнида ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш, қатор

академияси электроника институти олимлари ёрдамида эса 24 та лаборатория ишларини бажариш учун стендлар монтаж қилинди ва улардан фойдаланилмоқда.

Янги ўқув йили арафасида педагог ва муҳандис-педагоглар билан тўлиқ таъминланишга эришдик. Янги ходимларни ишга жалб қилиш натижасида автомобилларни таъмирлаш ҳамда дурадгорлик ва мебель ишлаб чиқариш ўқув устaxonалари қайта жиҳозланди ва иш бошланди. Бу устaxonаларда талабалар бевосита яратувчанлик меҳнати билан шуғулланишлари мумкин бўлди.

Талабаларимиз ишлаб чиқариш ва дипломоланишда ҳам муваффақият қозонишга эришди. Бу устaxonаларда талабалар бевосита яратувчанлик меҳнати билан шуғулланишлари мумкин бўлди.

Талабаларимиз ишлаб чиқариш ва дипломоланишда ҳам муваффақият қозонишга эришди. Бу устaxonаларда талабалар бевосита яратувчанлик меҳнати билан шуғулланишлари мумкин бўлди.

Талабаларимиз ишлаб чиқариш ва дипломоланишда ҳам муваффақият қозонишга эришди. Бу устaxonаларда талабалар бевосита яратувчанлик меҳнати билан шуғулланишлари мумкин бўлди.

Талабаларимиз ишлаб чиқариш ва дипломоланишда ҳам муваффақият қозонишга эришди. Бу устaxonаларда талабалар бевосита яратувчанлик меҳнати билан шуғулланишлари мумкин бўлди.

Қурилиш майдонларида

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда кейинги йилларда кенг, раvon, жаҳон андозалри даражасидаги ойдан йўллар, уларни бир-бири билан боғловчи мустахкам кўприклар қурилиши, албатта Истиқлолимиз шарофатидандир. Бунёдкорлик соҳасидаги энг хайрли ишлардан бири, шубҳасиз, шаҳримиз марказида транспорт тизимининг олдини олишга хизмат қиладиган Тошкент Кичик ҳалқа йўлининг автотранспорт магистрални қуришга киришилганлиги бўлди. Бу йўлнинг аҳамиятига молик томони шундаки, автомашиналар шаҳар марказига кирмай мазкур магистрал орқали кўзланган манзилига анча тезроқ етиб олиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси буюртмаси асосида барпо этилаётган мазкур йўлнинг умумий узунлиги 32 километри ташкил этиб, шундан 7 километри янгидан қурилса, қолган қисми аввалдан мавжуд кўчаларни кенгайтириш шубҳасиз амалга оширилади.

Шу кунларда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инженеринг компанияси буюртмасига кўра бош пудратчи ҳисобланган «Кўприкқурилиш» трестига қарашли 13-кўприкқурилиш отряди ишчилари Хидирали Эргашев, Хусниддин Асомов кўчаларида иш бошлади. 2 темир йўл кўприги таъмирланиши кўзда тутилган.

Бугунги кунгача Кичик ҳалқа йўлининг учта қисми қуриб, фойдаланишга топширилди. Йўлсозликда доатда мураккаб бўлган иншоот — ерости йўл ўтказкичи

генерал Узоқов кўчасининг Маннон Уйғур ва Улугбек кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган.

Шу кунларда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инженеринг компанияси буюртмасига кўра бош пудратчи ҳисобланган «Кўприкқурилиш» трестига қарашли 13-кўприкқурилиш отряди ишчилари Хидирали Эргашев, Хусниддин Асомов кўчаларида иш бошлади. 2 темир йўл кўприги таъмирланиши кўзда тутилган.

БУНЁДКОР

Мадбиркорлик

Шаҳримиз кўрғига ўзгача чирой бағишловчи мухташам иморатлар, замонавий биноларнинг ташқи кўринишига, фойе ва зиналарига гардоз беришда бунёдкорларимиз асосан мрамар плиткалардан фойдаланишмоқда. Ҳозирда фаолият олиб бораётган «Инвест-тош» масъулияти чекланган жамиятида ана шундай турли шакл ва ҳажмдаги мрамар плиткалар ва мозаикали плиткалар ишлаб чиқарилмоқда.

ТАШҚИ КўРИНИШИНИ БЕЗАША АСҚОТАДИ

Италиянинг «Педрини» фирмасидан келтирилган замонавий технологиялар асосида чиқарилаётган корхона маҳсулотлари кўплаб иншоотларнинг бунёдкорлик ишларида қўлланилмоқда. Олий махлус ишчи-хизматчи фаолият олиб

«Метромахсуқурилиш» қуриладиган бунёдкорлик ишларида қўлланилмоқда. Олий махлус ишчи-хизматчи фаолият олиб

«Метромахсуқурилиш» қуриладиган бунёдкорлик ишларида қўлланилмоқда. Олий махлус ишчи-хизматчи фаолият олиб

«Метромахсуқурилиш» қуриладиган бунёдкорлик ишларида қўлланилмоқда. Олий махлус ишчи-хизматчи фаолият олиб

«Метромахсуқурилиш» қуриладиган бунёдкорлик ишларида қўлланилмоқда. Олий махлус ишчи-хизматчи фаолият олиб

«Метромахсуқурилиш» қуриладиган бунёдкорлик ишларида қўлланилмоқда. Олий махлус ишчи-хизматчи фаолият олиб

Дундаш гашлар

УЙЛИ БЎЛДИК, АММО...

Мирзали ОДИЛОВ, кўп қаватли уйда яшовчи хонадон эгаси:

— Шаҳримизда сертификат уйлар қурила бошлаганда, бошимиз осмонга етиб ҳамда банклар кўмагидан миннатдор бўлиб, 4 хонали уйга эга бўлдик. Лекин охириги қаватда яшаганимиз боисми, бир йил ўтмай уйнинг машашалари бошланди. Биринчи ёнгини қилиб қўйиб, бир йил ўтмай уйнинг машашалари бошланди. Биринчи ёнгини қилиб қўйиб, бир йил ўтмай уйнинг машашалари бошланди.

тешила бошлади. Тўғри, энг асосийси уйлик бўлдиқ, — деди. Шундан кейин, камчиликларини бир амаллаб тузатамиз, лекин нима учун биноларимизга шунча маблағ сарфлаб қуриладики сифатига эътибор қаратилмайди. Ахир уни қабул қилиб олаётган комиссия аъзолари қаёққа қарашади? Менимча, қилинган сарф-харажатга яраша бўлса, сифатли қурилиш ашёларидан фойдаланишса, мендан кетгунча — эгасига етгунча қабилда иш тўтилмаса мана шундай норозиликлар бўлмайди. Бунинг устига ҳеч ким сотиб олган уйда дарров таъмирлаш ишларини бажармайди.


УЗБОШИМЧАЛИК ЭМАСМИ? Мунаввар ЗАРИПОВА, уй бекаси:

гич устунларини ўрнатиш каби юмушларни бажаришда.

Бош лойиҳачи — «Oz LITTI» очик акционерлик жамиятининг тажрибали меъмор ва изланувчан лойиҳачилари меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойик. Жумладан, «Бош-транслайф» очик акционерлик жамияти, «Тошкент бошрежа» институти ҳамда «Тошкент шаҳрини лойиҳасалаш ва қайта қуриш институти мутахассислари ҳам йўл ва кўприклар қурилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Лойиҳага кўра мазкур йўллар кенгайиб, транспорт воситалари бирийўла 6 қаторда ҳаракатланади. 30 метрдан ортиқ эстакада, иккита 36 ва 21,5 метрли кўприклар бунёд этилади. Ҳаммаси бўлиб бу ишларга ўрта ҳисобда 7-8 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Айни кунларда кўприк қуриш ишларига тайёргарлик қизғин жараёнда. Яъни, ёрдамчи ташкилотлар — «Ўзбектелеком» акционерлик жамиятининг Тошкент шаҳар телефон тармоқлари филиали, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошшаҳаргаз» худудий газ таъминоти корхонаси ҳамда «Сувсоз трести» унитар корхонаси ишчилари бир қатор юмушларни бажармоқдалар. Жумладан, юқори вольтли ли-




Мукаддас УМАРБЕКОВА СУРАТДА: қурилиш майдонида.

Маҳрим — фаҳрим

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

Кейинги йилларда шаҳримиз кўчаларини қайта қуриш, замонавий бинолар бунёд этиш билан биргаликда майдон ва хийбонларнинг ўзгача чирой очишига, пойтахтимизга мос бўлишига катта эътибор қаратилмоқда.



Шаҳримизнинг Яққасари туманида жойлашган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳовлисидаги майдонда айни кунларда бунёдкорлик ишларининг қизғин паллага киргани ҳам ана шундан яққол далолатдир. Бу жойда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг жорий йил январь ойидаги «Улуг мутафаккир Низомий Ганжавий хайкалини ўрнатиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлида ободонлаштириш Бош бошқармаси буюртмасига кўра бош пудратчи «Тошшаҳарйўлқурилиш» трестининг 2-қурилиш таъмир бошқармаси бунёдкорлари ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

риш юмушлари билан 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчи банд, — дейди 2-қурилиш-таъмир бошқармаси бошлиғи Жалолидин Ерхўжаев. — Белгиланган ишларни кўнгилдагидек адо этишда Абдуқодир Фаниев, Тоҳир Рустамов, Қаҳрамон Алимқулов, Собит Расулов, Қаҳрамон Гаффоров сингари бунёдкорларимиз фаол қатнашишмоқда. Шoir хайкали ўрнатиладиган майдонча, унинг атрофидаги йўл ва йўлақар тўла қайтадан таъмирланипти. Мақсадимиз режадаги ишларни сифатли бажариш баробарида шаҳримиз чиройини очадиган майдончани ҳамшаҳарларимизга мuddатида тортиқ этишдир.

Ҳозирда жамоанинг бундай маҳсулотлари кўрган кишининг кўзи қувнайдик. Олдин тошдан санъат асаридаражасидаги мрамар столлар, фавворалар, ажойиб ёдгорликларни ишлаб чиқараётган бу кўли гул ҳодимларнинг меҳнатларига қойил қолмиш керак, албатта. Нигматулла Собиров, Раҳим Абдуллаев, Баҳодир Холбоев, Воҳид Асатуллаевлар корхонанинг ана шундай илғор ишчи-хизматчиларидан саналади.

Албатта, ушбу бунёдкорлик ишлари ва хайкалнинг қад ростлаши нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки, юртимизда истиқомат қилувчи озарбайжон халқи вакилларини ҳам хушқў этиши, шубҳасиз.

Ҳозирда жамоанинг бундай маҳсулотлари кўрган кишининг кўзи қувнайдик. Олдин тошдан санъат асаридаражасидаги мрамар столлар, фавворалар, ажойиб ёдгорликларни ишлаб чиқараётган бу кўли гул ҳодимларнинг меҳнатларига қойил қолмиш керак, албатта. Нигматулла Собиров, Раҳим Абдуллаев, Баҳодир Холбоев, Воҳид Асатуллаевлар корхонанинг ана шундай илғор ишчи-хизматчиларидан саналади.

Албатта, ушбу бунёдкорлик ишлари ва хайкалнинг қад ростлаши нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки, юртимизда истиқомат қилувчи озарбайжон халқи вакилларини ҳам хушқў этиши, шубҳасиз.

Маълумки, жаҳон ва шарқ адабиёти ҳамда маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган атоқли озарбойжон маърифатпарвар шоири Низомий Ганжавий мероси асрлар оша ашаб келмоқда. Унинг хотирасини абадийлаштириш эса авлодлар олдидаги бурчдир. Шу мақсадда ҳамда озарбойжон ва ўзбек халқининг адабий дўстлиги тимсолини янада мустаҳкамлаш ниятида шоир номи билан аталган кутлуғ даргоҳ—устоз муал-



Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Спорт

**ЙЎЛЛАНМАЛАР
СОНИ
КЎПАЙМОҚДА**

Маълумки, таэквондо-нинг WTF йўналиши олимпиада дастуридан ўрин олган. Ҳозир юртдошларимиз ушбу спорт тури бўйича ҳам олимпиадага йўлланмаларни кўлга киритишга ҳаракат қилмоқдалар.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўз ниҳоясига етган таэквондонинг WTF йўналиши бўйича Осиё чемпионатида ҳам спортчиларимизга омад кулиб боқди. 1 ва 2-ўринлар соҳибларига XXVIII ёзги олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини бериш мақомига эга ушбу нуфузли турнирда ҳамюртларимиздан 57 килограммгача вазнда Ирина Кайдашова иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 67 килограммдан юқори вазндаги таэквондочилар ўртасида Наталья Микрюкова олтин нишон соҳиб бўлди.

Ҳар иккала спортчимиз кўрсатган юқори натижаларни эвазига шу йили Греция пойтахти Афинада ўтказиладиган ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритиши.

**КАРАТЭЧИЛАРИ-
МИЗ ШОҲСУПА
ТЎРИДА**

Хитой Тайпейда каратэ бўйича Осиё чемпионати бахслари бўлиб ўтди.

Қитъанинг энг нуфузли мусобақасида мамлакатимизнинг ўн нафар етакчи яккакураш усталири иштирок этди. Спорт иштирокчилари кейинги пайтларда юртимизда каратэнинг тораб ривожланиб бораётганлиги, ҳар бир халқроқ мусобақадан вакилларимиз медаллар шодаси билан қайтишаётганини яхши билишади. Бу гал ҳам худди шундай қувончли ҳолнинг шохиди бўлди.

Қизлар ўртасида энг кучли каратэчимиз София Каспўлатова 65 килограммгача вазнда финалда Вьетнам вакили Ти Ту Динни чиройли тарзда енгган ҳолда олтин нишонларни кўлга киритди. Шуниси эътиборга моликки, муғлақ вазнда ҳам София юксак зафар кучди. Ушбу бахсда у қозогистонлик кучли рақиби Наталья Соподилова устидан тўла устунликка эришган ҳолда яна бир бор галабага эришди. Шу тариқа С.Каспўлатова галабалари эвазига икки бор Ўзбекистон мадҳияси янгради.

55 килограммгача каратэчилар ўртасида яна бир ҳамюртимиз Отабек Қосимов ҳам олтин нишонларни кўлга киритди. Илҳом Каримов ва Рустам Форжоновлар эса бронза нишонлари билан қийофланишди.

Шундай қилиб юртимиз каратэчилари учта олтин ва иккита бронза нишонларига эга бўлган ҳолда умумжамоа ҳисобида фахрли ўчинчи ўринни банд этиб мамлакатимизга ёруж юз билан қайтишди.

(Ўз мухбиримиз)

Асқияғиларимиз тарихидан

**ҚИЗИҚЧИНИНГ ҲАЁТИ
ҲАМ ҚИЗИҚ**

Фалакнинг гардиши билан қизиқчининг таржimai ҳоли ўзига ўхшаш қизиқроқ бўларкан. Муҳиддин Дарвишев ёшлиғидайёқ ҳар хил гаплар айтиб, тенгдош дўстларини кулдириб юраркан. Унинг ёшлиғи Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Доғистон, Эшон, Супра ва Бувайда туманининг Оққўрғон, Янгиқўрғон қишлоқларида ўтди. У қўшни Қўштеғирмон қишлоғида яшовчи Теша қизиқдан антиқа қизиқчиликларни ўрганиб, мактабдошларини кулдириб юрарди.

У ўрта мактабни битирганидан кейин Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида агрономлик факультетида ўқига киради ва тўғарақларга қатнашади. Ҳатто, А. Чеховнинг асарлари образларини ижро этиш борасида ўтказилган талловда биринчиликни олади. Ўқиниши яхши тамомлагач, Бувайда туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида агрономлик қилади. Шу билан бирга Қўқон шаҳри атроф қишлоқларида бўлиб ўтган кулзу-табассум кечаларида чиқишлар қилиб, ўзининг турли хил латиға ва ҳангомаларини айтиб, қаҳқаҳа ишқибозларини мамнун этади. Шунингдек, халқ театрларида комик ролларни ижро этиб, бу соҳада ҳам ўзини синаб кўради. Бу орада у Учкўприк тумани марказидаги маданият уйида кулгисеварлар тўғарагини ташкил этиб, ёшларга қизиқчилик сир-асрорларини ўргатади. Республикасида бўлиб ўтган қизиқчи ва асқияғиларнинг 1, 2, 3, 4-қўриқ-талловларида шохсупаларга кўтарилиб, Фахрий ёриқ ҳамда дипломларини кўлга киритади. 1989-90 йилларда эса Қўқон шаҳар маданият уйида ташкил топган «Қаҳқаҳа» даҳвий гуруҳида раҳбарлик қилади ва ана шу номдаги ширкатни очади. 1993-94 йиллари Фарҳод Мусажонов сценарийси асосида «Қизиқчи Муҳиддин Дарвишев» номли хўжжамали фильмнинг суратга олинишида М. Дарвишевнинг ўзи фаол иштирок эган. 1995 йил октябрда у жисар касалигидан вафот этди. Ҳа, ўлим ҳақ. Аммо бу тўғма қизиқчининг ўрнини ҳеч ким тўлдиролмайди, унинг барча гаплари, асқияғилар қишилар юрагидан жой олган. Қуйида Муҳиддин қизиқ ҳангомаларидан айримлари билан танишиш.

АКАЛАРИГА ИНДАМАДИ

— Муҳиддиннинг касал ётганини эшитиб, уни кўргани уйига бордик, — деб хикоя қилади андижонлик асқиячи Ҳасанбой Султонов. — Мен, Қодир Дехқонов, Мансур Охунов. Чақирсақ, у ховлида юрган экан, зумда чиқиб, бизларни ичкарига таклиф этди. Қарасақ, дарвозахона йўлаги ўртасида катта кўппак ётибди.

— Индамайди, юраверинглар, — деди Муҳиддин. Ҳақиқатда ит индамас экан. Уччовимиз унинг устидан хатлаб ўтдик, индамади. Муҳиддиннинг ўзи ҳам хатлаб ўтиб, кўппакнинг қорнига қаттиқ бир теппи, у вой-войлаганича чопиб кетди. Бундан нарида қараб турган хотинининг жаҳли чиқиб, жовраб берди.

Жимгина ётган шўрликни нега тепасиз ахир?!

— Хе, кўппак бўлмай ўлсин! — деди Муҳиддин хотинига жавобан. — Шунча акалари келибди, кўнгли учун лоқал бир марта ақиллаб, саломлашмади-я! Биз уччовимиз бир-биримизга қараб, асқияғилар орасида пинҳона лақабимиз «Ит»-лигини эслаб, кулиб кўйдик.

БАЛАНД МЕҲМОНХОНАДА

— Бир куни Тошкентга келиш учун поездга чиқсам, — дея хикоя қилганди Муҳиддин, — купеда олтириқлик дехқон ўтирган экан.

— Йўл бўлсин? — сўрадим ундан.

— Икки қоп турп олиб, пойтахт бозорига кетаяпман.

— Бу икки қоп турпнинг пули йўл кирага ҳам етмаса керак.

— Етганича-да! Ҳам саёҳат ҳам тижорат дегандай, томоша қилиб келаманда...

Тақдир тақозоси билан эртасига Қўқонга қайтаётиб, поездда яна ўша дехқонга дуч келдим. Дехқон куйиб-пишиб гапирга кетди, унинг гапларини микириб эшитдим.

— Кеча кечкурун «Чорсу» деган меҳмонхонага бордим, — деб хикояни бошлади дехқон озгиздаги носни туғлаб.

— Жой берувчи ёшгина қиз экан.

— Қизим, Олтириқданман, эрталабгача тунашга келгандим.

— Жуда яхши отахон, — деди қиз, — бир қаватга кўтарилсангиз, ажойиб хона бор. Унда телевизор, телевизор, радио, юмшоқ кресло, чўмилишингиз учун ванна муҳайё.

— Бу гапларни кўй қизим, бир кун тунашга қанча тўлайман, менга шунга айт.

— Қирқ икки минг сўм-да, отахон!

— Арзонроғи йўқми?

— Бор, учинчи қаватда, бир кунга ўтиз беш минг.

— Тўхта қизим, энг тепасидаги қанча?

— Энг тепаси ўн олтинчи қават, у ер-



даги тунаш хонаси бир кунга йигирма минг.

— Бўлди, қизим. Бу ерга 2-3 йилдан кейин келарман, унча яна 3-4 қават қўшилиса, менбоп хоналар пайдо бўлар. Хайр! — дедим-да, чеккароқдан чойхона излашга тушдим, — деб дехқон хикоясини тугатди.

ТЕЗЛАШТИРИШ

Жуда катта қурилиш бўлаётган жойга комиссия келибди. Муҳандис у ёққа, ишбоши-прораб бу ёққа ҳаллослаб чопармиш. Етти-саккиз қурувчи эса қуруқ замбилгалтакни шалдираётиб, у ёқдан-бу ёққа гилдираётимиш. Комиссия аъзолари ҳайрон бўлишиб, қурилиш бошлиғидан сўрашибди.

— Нима иш бўляпти узи?

— Қурилишда қайта қуришни жадаллаштиришимиз — деб жавоб берибди бошлик.

— Замбилгалтакларда юк йўқ-ку?

— Ишларни тазлаштирганимиз учун юкларни ортишга ҳам вақт етишмаяпти-да!

ДАДАМНИНГ ИШИ

Кунлардан бир куни Бозорбой ака деган киши эшагини толга боғлаб, у-бу олгани бозорга кирибди. Чиқса эшаги йўқмиш. Шунда овозининг борича ҳайкирибди:

— Халойиқ, манави толга эшагимни боғлаб, бозорга кириб чиқсам, йўқ. Шунга билиб олинглар, мен яна бозорга кириб чиққунимча эшагимни келтириб, жойига боғлаб қўйинглар, қўймасанглар отамнинг қилган ишини қиламан!

Шундай дебди-ю, у яна бозорга кириб кетибди. Бир маҳал чиқса эшаги жойида турганимиз. Елкасидаги хуржунни эшақка босиб, индамай кетаверибди. Элик қадамча юргандан кейин 2-3 ёш йигит эшақнинг жиловидан ушлаб сўрабди:

— Дадангиз нима иш қилганди?

— Эшагини ўғирлатиб қўйгач, уйга яёв қайтар эканлар, — дебди Бозорбой ака.

Хандапаз Олим ҚўҶОРБЕКОВ

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ УЧУН

Тошкент шаҳрида ҳар йили 700 минг тоннага яқин маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни камайитириш мақсадида, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредити асосида «Тошкент шаҳрининг санитар тозалаш ишларини яхшилаш» лойиҳаси доирасида 56,3 миллион долларлик иш бажарилган. Бу ҳақда «Экосан» халқаро жамғармасида Меҳр ва мурувват йилига «Экология ва саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи ҳамда «Қўшни-қўшнига» мурувват кунларини Тошкент шаҳрида ўтказилишига бағишланган йиғилишда ахборот берилди.

Йиғилишда 1994 йилдан бошлаб жамғарма ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган «Экология ва саломатлик кунлари» баркарор ривожланишининг ижтимоий-экологик кўрсаткичларини яхшилашга давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришга асосланганлиги таъкидланди.

«Экология ва саломатлик кунлари»да саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотлари, қўшма корхоналар, ўқув муассасалари фаол иштирок этиб келмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан жамғарма раиси Юсуф Шодиметов. — Тошкент шаҳри минтақамизнинг энг йирик шаҳарларига айланиб бормоқда. Шу билан бирга мегаполисларга ҳос бўлган баъзи экологик муаммолар юзга келмоқда. Хусусан атмосфера ҳавоси, очик сув ҳавзаларининг ифлосланиши, чиқиндилар тўпланиши ва олиб чиқиб кетилиши каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

«Тошиссиқликмаркази «ОАЖ, «ТошИЭМ»АЖ, «Тошиссиқлик-қуввати»ИЧБ, «ТТЗ»ДАЖ, «Тошшаҳаргазтаъминот» ШК каби тургун манбалар томонидан атмосфера ҳавосини ифлослантириш

кўрсаткичлари юқориликча қолмоқда. Шаҳардаги чиқиндиларни бартараф этиш учун 385 та жиҳозланган ва 750 та жиҳозланмаган маиший чиқинди тўплаш майдончалари қурилди. 177 та янги техникалар сотиб олинди, 4 та чиқиндиларни қайта юклаш станцияларининг биринчиси ишга туширилди. Лекин, саноат чиқиндиларини тўплаш ва қайта ишлаш кўрсаткичлари 13 фоизни ташкил этади ҳолос. Ичимлик сувини йўқотиш кўрсаткичлари суткасига 200-230 минг кубометрни ташкил қилади. Шаҳарда кунига 1,5 миллион кубометр сувдан фойдаланилади. Афсуски, кўпинча тоза ичимлик суви суғурдан, автомобилларни ювиш ва бошқа техник мақсадларда исроф қилинмоқда.

Йиғилишда оқоридидаги камчиликларни инобатга олиб, экология ва саломатлик кунлари доирасида табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш ва бу йўналишда таригбот-ташвиқот ишларини кўтариш мақсадида тадбирлар ўтказиши белгиланди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
усулда босилади.
3576 нусхада чикарилади. Қўбо бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича гузар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамини» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.